

Риёзус солиҳийн шархи / Риёзус солиҳийн шархи / 883-ҳадис

883 - وَعَنْ أَبِي مُوسَى رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «الإِسْتِغْدَانُ ثَلَاثٌ، فَإِنْ أُذِنَ لَكَ، وَإِلَّا فَارْجُعْ». مُتَّفَقُ عَلَيْهِ [خ 6245، م 2153/34].

883. Абы Мусо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Изн сўраш уч мартадир. Агар сенга изн берилса, киргин. Агар берилмаса, қайтиб кетгин», дедилар.

Муттафақун алайҳ.

Шарх: Инсон ўзини энг эркин сезадиган жой унинг уйидир. У ўз уйида бошқанинг назаридан ва қулоғидан хавфсирамай яшамоги лозим. Акс ҳолда унинг уйидаги роҳати тўлиқ бўлмайди. Иккинчи ўзини эркин сезадиган жойи ишлайдиган ташкилоти томонидан ажратиб берилган алоҳида ишлаш хонаси ҳисобланади. Бу икки жойда инсон бирордан хавфсирамай ўз ишини ва ҳаётини давом эттиришилиги керак.

Баъзида гувоҳи бўламизки хонадонларда, ташкилотларда, шифохоналарда баъзи инсонлар изн сўрамасдан, кириб кетадилар. Бу ишда ўзимиз фикр беришликтан олдин Аллоҳ ва Расули қайси йўлни биз учун кўрсатган ўшани ўрганайлик.

“Эй иймон келтирганлар! Ўз уйларингиздан бошқа уйларга то изн сўрамагунингизча ва уларнинг аҳлига салом бермагунингизча кирманг. Ана шундай қилмоғингиз сиз учун яхшидир, шоядки эсласангиз. Бас агар у (уй)ларда бирортани топмасангиз, то сизга изн берилмагунча уларга кирманг. Агар сизга қайтинг, дейилса, бас, қайтинг, ўша сиз учун покдир. Аллоҳ нима амал қилаётганингизни ўта билгувчиидир” (Нур сураси, 27-28-оятлар).

Ушбу оятга амал қилинса, бирорнинг хонадонига изн сўраб, салом бериб кирилсагина, турли ноқулай ҳолатларнинг олди олинади. Изн сўрамай кирган одам уй эгасини ёки ташкилотда ўтирган одамни ноқулай ҳолда

турганларни кўриб қолса, гуноҳ бўлади. Икки томон ҳам хижолатга тушади.

Имом Абу Довуд ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ айтадиларки “Ким бир қавмнинг ҳовлисига уларнинг изнисиз қараса бас, улар унинг кўзини ўйиб олсалар, хун тўламайдилар”.

Ушбу ҳадисда Исломда шахснинг даҳлсизлиги ниҳоятда юқори даражада ҳимоя қилиниши кўриниб турибди. Бироннинг ҳузурига киришга изн сўрашнинг ҳам ўзига яраша одоблари бор. Авалло, изн сўраётган одам ҳовлига, уй ичига назар солмасдан, бошқа томонга қараб туриб изн сўраши керак. Яъни, бироннинг уйига назар тушмаслиги учун изн сўраш жорий қилинган, ичкарига қараб туриб изн сўрашнинг нима кераги бор.

Шунинг учун ҳам изн сўрамоқчи бўлган кишилар эшикка юзма-юз ҳолатда эмас, балки ўнг ёки чап тарафлари билан турмоқлари лозим. Изн сўровчини яна одобларидан бири, кўполлик қилмаслиги, одоб билан уч мартагача изн сўраши, жавоб бўлмаса, қайтиб кетмоғлиги лозим.

Шу билан бирга, қайтувчи кўнглига олмаслиги, хафа бўлмаслиги, уй эгалари мени ҳурматсиз қилди, деган хаёлга бормаслиги керак. Чунки ҳар бир одамxoҳлаган кишисини уйига киритиш ёки киритмаслик ҳақига эга.

Саҳобаи киромлар шундай айтадилар: «Агар сизга, қайting дейилса бас, қайting, ўша сиз учун покдир» оятига амал қилиш учун жуда кўп уриндик, бироннинг уйига чақириб борганимизда қайting, деган жавоб бўлсаю оптимизга дарҳол қайтиб, ояти каримага амал қилиш шарафига муюссар бўлсак, дердик аммо иложи топилмади. Қаерга борсак киринг деган жавоб олдик, деганлар.

Манба: hadis.islom.uz

